



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 9-iyul • Payshanba • 81 (30.042) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Барчамиз, бутун Ўзбекистон аҳли Ватан остонасини янада обод қилиш билан бирга, аввало, уни эл-юртимиз эришган марралар, ютуқларнинг ёрқин тинчсоли, кўзгуси, деб қабул қиламиз, фахрланамиз».

► Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги олдида

СОҶИБҚИРОН НОМИГА МУНОСИБ КЎЧА

Бутун мамлакатимиз, эл-юртимиз кутлуг тўйлар, қўшалок байрамлар арафасида турбди. Ҳаётдан ҳар бир кун барчамизни Ватанимиз мустақиллигининг 18 йиллиги катта тантана қилинадиган буюк санага тобора яқинлаштиради. Давлатимиз раҳбарининг Ватанимиз истиқлолини ўн саккиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид қароридан алоҳида таъкидланганидек, мустақиллик биз учун — ўзлимизни англаш, юрт тинчлиги ва барқарорлигининг, инсон манфаати, эркинлиги ва фаровонлигининг, биз кўзлаган демократик жамият барпо этишининг гаровидир.



«Туркистон» кўчасидан Тошкент автомобиль халқа йўлининг «Уч қахрамон» йўл-патруль хизмати масканигача бўлган ораликни ўз ичига олган мазкур кўчанинг умумий узунлиги 10 километрга яқин.

Бунда, аввало, кўчанинг кенглиги ва кўзни қувнатадиган муҳташам биноларнинг қўлини эътиборни тортади. Тошкент автомобиль-йўллар институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва Давлат университети

тетининг филиали, Тошкент ахборот технологиялари университети, Ўзбекистон Давлат санъат музейи, Темурийлар тарихий давлат музейи, Амир Темури хибони, Акварий ким билмайдиган дейсиз. «Марказий», «Дедеман», «Редиссон», «Интерконтиненталь» меҳмонхоналари, Ташки иқтисодий фаолият Миллий банки, қайта таъмирланган Олой ва Юнусобод бозорлари, нуфузли халқаро мусобақаларни ташкил этишда барча шарт-шароитга эга «Ўз-

бекистон» спорт мажмуаси ҳам шу кўчада жойлашган. Ушбу кўча бўйидаги Бўзсув канали соҳилида умумий баландлиги 375 метрлик Тошкент телеминораси қад ростлаган. Ушбу ноёб иншоотда радио-телевизион узатиш станцияси, метеорологик станция, «Коинот» ресторани ва томоша майдончалари мавжуд. Қайта таъмирланган Тошкент темир йўл вокзали, метронинг Абдулла Қодирий, Минор, Бодомзор, Ҳабиб Абдуллаев бекатлари йўловчи-



ларнинг узогини яқин қилса, Абдулла Қодирий, Кичик халқа йўли, Аҳмад Дониш кўчалари билан туташган жойларда қурилган кўприклар транспорт қатновини осонлаштириш, йўловчиларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишга хизмат қилмоқда. Амир Темури кўчасида — Бўзсув соҳилидаги қаровсиз жарлик ўрнида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи барпо этилди. Бу табарруқ маскандан халқимиз овозлиги йўлида жон фидо этган инсонларнинг хотирасини ёд этиш учун келган зиёратчилару сайёҳларнинг қадами узилмайд.

Бугунги кунда тарихий қадриятларимизга содиқ ҳолда, замон билан ҳамнафас ривожланаётган Тошкент том маънода бунёдкорлик маркази, диёримизнинг бутун кўрку-тароватини ўзида намоён этадиган, элу юртининг инсонийлик фазилатларини, миллатнинг шаъни, ор-номуси, гурурини, эзгу интилишларини, юксак мақсадларини, нури келажакнинг ифода қиладиган Шарқнинг ёрқин юлдузи сифатида тараққий этиб бораверади.

Байрам АЙТМУРДОВ, ЎЗА мухбири, Сарвар ўРМОНОВ (ЎЗА) олган суратлар

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI ISH HAQI, PENSIIYALAR, STIPENDIYALAR VA IJTIMOIIY NAFAQALAR MIQDORINI OSHIRISH TUG'RISSIDA

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада мутасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий маддани кўнайтириш мақсадида:

- 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.
- 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 33 645 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 66 660 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 33 645 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 66 660 сўм; зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдоридан белгилансин.
- Белгиланган кўйилсинки, иш ҳақига қўшилладиган устима ва кўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга берилладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.
- Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим машоғли миқдорини мазкур Фармон қондаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.
- Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджети ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамағатиси ҳисобидан амалга оширилсин.
- Хўжалик ҳисобидидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самардорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.
- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.
- Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.
- Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2009 йил 8 июль

Эътироф



БЕҲЗОД — ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ



танловда биринчи ўринга сазовор бўлиши бунинг яна бир далилидир.

Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таълим олган Беҳзод юртимизда ўтказилган «Санъат гўнаҳлари», «Келажак овози» сингари республика кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллаган. Хитой, Италия, АҚШ каби давлатларда ўтказилган ёш пианиночиларнинг нуфузли халқаро танловларида совринли ўринларга лойиқ топилган. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ёш истеъодлар учун таъсис этилган «Нихол» мукофотининг 2008 йилги совриндорлари сафида Б.Абдураимов ҳам бор.

Назokat УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



18 МУСТАҚИЛЛИК — ЭНГ ОЛИЙ НЕЪМАТ!

Истиқлол айёми, энг улуг, энг азиз байрамимиз шукуҳи пойтахтимизнинг юбилей тантаналарига уланиб кетишида рамзий маъно бор. Зеро, Ўзбекистонимизнинг давлат мустақиллиги айнан Тошкентда эълон қилинди, жаҳонда «Ўзбек модели» деб аталган иқтисодий ислохотларга мана шу шаҳарда тамал тоши қўйилди. Ер қуррасида истиқомат қиладиган турли миллат ва элатлар Тошкент деганда мустақил Ўзбекистонни кўз олдида келтиради.

Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида пойтахтимизда улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилиб, шаҳар янада чирой очди.

Пойтахтимизнинг кўркига кўрк қўшиб, уни янада фусункор кўрсатаётган жиҳат бу албатта унинг шох кўчаларидир. Улар орасида Амир Темури шох кўчасининг алоҳида ўрни бор.

ЎЗХДП «Фаол аёллар» қаноти

ЖАМИЯТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

Хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатимизда аёлнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ишда, оилада ўз имкониятларини рўйбга чиқариши учун етарли ҳуқуқий замин яратилган. Хотин-қизларнинг ўқиши, касб-ҳунар эгаллаши, меҳнат қилиши, давлат ва жамиятни бошқаришда иштирок этиши масалалари ЎЗХДП ташкилотларининг асосий эътиборида.

ЎЗХДП Марказий Кенгаши ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорликда «Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятида аёлларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш соҳасида самарали услуб ва шакллари қўллаш» мавзусида минтақавий семинар ўтказди. Унда ЎЗХДП «Фаол аёллар» қанотининг Жиззах, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ҳамда Тошкент шаҳар бўлимлари етакчилари иштирок этди.



2-бет

Муносабат

КЎНГЛИМИЗ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Президентимизнинг Наманган вилоятига бу галги таширифи ҳам юртдошларимизни янги-янги зафарларга чорлади

Дарҳақиқат, мамлакатимизнинг қайси бир ҳудудда бўлсин энг кўркам иншоот ёки равон йўлнинг барпо этилиши тарихи билан қизиқсангиз, Юртбошимизнинг ташаббуси, тақлифлари, фикр-қўрсатмалари тилга олинади. Наманганда ҳам шундай. Вилоят марказидан то туманлар ҳудудидаги ободончилик юртимиз раҳбарининг маслаҳати, қўрсатмаси ёки қишлоқ кишининг фикрларини астойдил қўлаб-қувватлашлари тўғрисида бунёд этилган. Мустақиллигимизнинг 18 йиллигини муносиб нишонлашга қизгин тайёргарлик кўраётган Наманган аҳлининг бугунги қувончи

(Давоми 2-бетда)



ҲУҚУҚИЙ ВА СИЁСИЙ МАДАНИЯТ

2



ТНК ТУРИБ УЧУВЧИ ўЛОВЧИЛАР пайдо бўлади

3



«ОСИЁ ЕШЛАРИ — БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ»

4

— Мамлакатимизда аёлларнинг давлат қурилишида иштирок этиши, иқтисодий соҳа тараққиётига ҳисса қўшиши, илм-фан соҳасида ўз иқтидорини кўрсатиши борасида етарли шароит яратилган, — дейди ЎзХДП МК Хотин-қизлар ва ёшлар сиёсий фаолигини ошириш масалалари сектор мудири Мухтасар Абдурахмонова. — Аёлларимизга бу шароитлардан самарали фойдаланиши учун ҳуқуқий маслаҳатлар бериш керак. Бугунги давра суҳбатда тегишли ташкилотлар билан шу йўналишда амалга ошириладиган ишлар хусусида келишиб олинди.

Аёлларимиз вакиллари мамлакат олий қонунчилик органи — парламентда муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Давлат бошқаруви, ишлаб чиқариш соҳаларида самарали меҳнат қилишмоқда. Аёл-

ЖАМИЯТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

ларга кўрсатилаётган бундай гамхўрликлар, шубҳасиз, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини янада оширади. Бугун партия ташкилотлари қошидаги «Фаол аёллар» қаноти хотин-қизларнинг ҳар бир соҳада фаол иштирокини таъминлашга жиддий эътибор қаратмоқда.

— Хотин-қизларда фуқаролик масъулиятини тўла ҳис этиш кўникмаларини тарбиялаш зарур, — дейди Тошкент шаҳар партия кенгаши «Фаол аёллар» қаноти раиси Маргарита Аҳмедбекова. — Баргари, улар жамиятнинг аёллар билан биргалликда аёлнинг жамият ҳаётида туганган ўрни, уларнинг сиёсий фаолигини ошириш масалаларига бағишланган кўпгина давра суҳбатлари, семинар ва уршувлар ўтказиб келинади. «Одам савдоси — аср вабоси», «Аёл соғлиги — миллат саломати», «Қишлоқ аёллари нима билан банд» каби тadbирлар шулар жумласидандир. «Фаол аёллар» қаноти энг аввало, чекка ҳудудларга, қишлоқ жойларга ўз ташаббуслари билан кириб боришлари лозим. Чунки, у ердаги аёлларнинг

муаммолари, қийнаётган масалаларини билмай туриб, уларда партияга ишонч туйғусини шакллантириб бўлмайди. Шу мақсадда вилоят, туманлар миқёсида аёллар ҳуқуқий маслаҳатхонаси ташкил этганмиз. Бу ерга ташриф буюрувчилар ўзларини қизиқтирган масалаларда маслаҳатлар олиш билан бирга уларнинг ечим топишига ҳам умид боғлаб келилади. Биз ана шу умид, ишончини оқлаш учун ҳаракат қилаёلمиз.

— Бугун сиёсий жараёнларда аёллар фаоллиги юқори, — дейди Гулiston Давлат университетини рус тили ва адабиёти кафедраси мудири, доцент, ХДП фаоли Саодат Қулбаева. — Буни биргина вилоятимиз миқёсида ташкил этилган

«Олима аёллар» уюшмаси мисолида ҳам кўриш мумкин. Айнақса, сиёсий соҳа билмдонлари кўпчилигини ташкил этади. Бугунги семинар ҳам аёлларнинг жамиятдаги ўрни белгилаш, сиёсий партияларга баҳо беришда муҳим ўқув бўлди. Сиёсатчи аёлларнинг маърузалари партия аъзоларини ҳуқуқий билимлари орттишига хизмат қилди деб ўйлайман.

Семинарда ЎзХДП МК раиси ўринбосари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Шарбат Абдуллаева иштирок этиб, хотин-қизлар саломатлиги, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, сиёсий соҳада аёллар фаоллигини ошириш борасида партия ташкилотларининг олиб бораётган ишлари хусусида маъруза қилди.

Гулрух ОДАШБОВА,
Абдулов ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

КЎНГЛИМИЗ ТОҒДЕК КЎТАРИЛДИ

Ёки ҳар бир қадамимиз, айтган сўзимиз, фикр-уйимиз сиёсатда дахлдор бўлиб турган бир пайтда мен сиёсатга аралашмайман дегувчилар янгилишмаётими? Айнан сиёсий партияларга муносабат, сиёсий эътиқод масаласида ҳам ҳар бир шахс, эркин мулоҳаза юритиши ўз нуктаи назарини баён этиши, жамият юксалишида, мамлакат тараққиётида ўз ўрни бўлишига интилиши гоятда муҳимдир.

Ўртбошимизнинг ҳар бир ташрифлари шахсан мени янги-янги ютуқларга илҳомлантиради. Биз энди илгаригидек қисиниб-қимтиниб эмас, ўзимизни росмана ҳур, онгли инсон, шахс сифатида намоен этмоғимиз шарт.

— Ўртбошимиз билан ҳар гал учраганимда қайтадан қувват оламан, — дейди Косонсой туманидаги «Чашмаи сафед» фермер хўжалиги раҳбари Ҳамидхон Мўйдинхўжаев. — У кишини рағбатлантиришлари таъсирида янги лойиҳалар ҳақида ўйлайман, режаларимни амалга оширишга янги раҳ, имлоҳ ва ғайрат топаман ўзимда.

Сугориладиган ерларда галла ва дуккакли ўсимликлар илмий-тадқиқот институтининг Наманган филиалида мамлакатимиз раҳбари селекционер олимлар ва фермерлар вакиллари билан суҳбат курди. Филиал илмий ходими Ойбек Ҳайдаровнинг Президентимиз билан юзма-юз суҳбатидан кейинги ниятлари янада ойдинлашган:

— Илгари деҳқон дейилса қандай кишини тасаввур қилардик, энди-чи?! Энди деҳқончилик илмий асосини қайта топди. Филиалимизда 5 та илмий ходим 154 гектар тажриба майдонидан иш олиб борамиз. Тажриба даламида 50 дан ортқ навлар парваришланяпти. «Чиллаки», «Бобур», «Омад», «Ғайрат» бугдой навлари серхосиллиги, иқлим шароитимизга мослиги билан ўзини оқламоқда.

— Ўртбошимизнинг мамлакатимиз тараққиёти замонавий деҳқонларга, уларнинг маданияти ва илм-салохиятига боғлиқ деган гаплари билимимни янада оширишга ундади, — дейди Наманган туманидаги «Улғуният юлдузи» фермер хўжалиги бошлиги Анваржон Фафоров. — Бошқа соҳаларга, улардаги

ўзгаришларга эътибор бера бошладим.

Мана энди хорижга бориб янги технология келтиришни ният қилиб турибмиз. Бундан 8 йил олдин чорвачилик хўжалиги сифатида иш бошлагандик. 30 бош қорамолимиз бор эди, холос. Еримизга ер қўшилди. Қорамолларимиз сони йил сайин ортди. 60 бош қўйга ҳам эга бўлдик. Маҳаллада гузар қуришни бошлаётимиз, ишчиларимизнинг фарзандларига ҳам иш ўринлари таъминлаётимиз керак. Шунингдек «Қўлқўрган» маҳалласига 2,5 километр ма-софага қувар тортириб, ичимлик суви келтирдик.

Президентимиз ўз суҳбатларида коллежларни таъминлаётган ёшларни иш билан таъминлаш, уларни яратувчиликка ундаш ҳақида фикрлашди. Хўжалигимизда 4 нафар коллеж талабаси ўқув амалиётини ўтаётганди. Эндиликда коллеж битирувчиларидан яна бир нечасини хўжаликка ишга тақлиф қилиб, яхши шароитлар яратиб беришни астойдил ният қилдим.

Учқўрган туманидаги «Мирзаев Адхам» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Мухторжон Бобоқўжаев тасарруфидидаги 401 гектар ернинг 2 гектаридан қўчат етиштириш хўжалиги ташкил этиш нияти тугилганини айтди. — Ахир пахта ва галла етиштириш билангина чегараланмаслигимиз шарт. «Ижодкор» МТП худудига қўчат етиштирадиган хўжалик ҳам зарур. Савоб учун қўвар ўтказиб 4 миллион сўм маб-лаи сарфлаб маҳаллага ичимлик суви келтирдик. Қишлоқ врачлик пунктини таъмирлашга ёрдам бердик. Бирни берсанг мингни олсан деганларидек, галладан қўқори ҳосил қўтардик. Кам таъминланган оилаларга яна ҳошимий ёрдами кўрсатдик.

Президентимизнинг Косонсойдаги Муҳриддин Шарипов бошлиқ «Чинор» фермер хўжалигидан бошланган учрашуви вилоят марказида фаоллар билан суҳбатга уланди. Самимий, юзма-юз мулоқотларда юрти-миздаги ислохотлар самарасидан халқнинг ҳам, Ўртбошимизнинг ҳам кўнгли тўла бошлагани сезилиб турди.

Носиржон ДЕХҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири

— Бизнинг ҳам қўйишга ҳам эга бўлдик. Маҳаллада гузар қуришни бошлаётимиз, ишчиларимизнинг фарзандларига ҳам иш ўринлари таъминлаётимиз керак. Шунингдек «Қўлқўрган» маҳалласига 2,5 километр ма-софага қувар тортириб, ичимлик суви келтирдик.

Гулрух ОДАШБОВА,
Абдулов ҲАЙДАРОВ
олган суратлар.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Халқ демократик партияси «Истиқбол» ёшлар қаноти ва Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамкорлигида Бухоро шаҳрида ёшлар билан ишлашда фаолиятини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини ошириш масалаларига бағишланган икки кунлик семинар ташкил этилди. Тадбирда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида мамлакатда олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш масалалари хусусида атрофлича фикр юритилди.

БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИДА

муносиб иштирок этиш — биз ёшларнинг бош мақсадимиз

Айтиш кераки, Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг жойлардаги бошқарувлари ҳам ёшларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Семинарда Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва унинг иқтисодий-иқтисодий таъсирини камайтириш борасида қўйлаётган чора-тадбирлар юзасидан маълумот берилди. Чекка қишлоқ ёшлари орасида кўпроқ амалий тadbирлар ўтказиш бўйича Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти янги лойиҳалари белгилаб олинди, фаолият йўналишларига тақлифлар киритилди. Партия кенгаши раҳбарлари Жамоатчилик қабулхоналари, «Ёшлар ҳуқуқий маслаҳатхоналари» фаолиятини кучайтириш борасида тақлифлар билдирилди.

— Мамлакатимизда ёшларнинг баркамол авлод бўлиб вояга етиши, эртанги куннинг муносиб эгалари бўлиши учун етарлича шарт-шароитлар яратилган, — дейди Самарқанд вилояти ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Отабек Маҳаммадов. — Ёшларимизга бу шароитлардан самарали фойдаланиши учун кўмак бериш керак.

Семинар давомида ёшларда биринчи навбатда фуқаролик фаолиги ва масъулиятини ошириш билан боғлиқ тadbирларга алоҳида эътибор бериш зарурлиги таъкидланди.

Ўзбекистон ХДП МК
Матбуот хизмати

Танишинг: «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчилари

ҲУНАР — ИНСОН ЗИЙНАТИ

Сайёра Деҳқонова.
1988 йилда туғилган.
2006 йили Чилонзор туманидаги Юнус Ражабий номи педагогика коллежини тамомлади. Ҳозир тумандаги 526-синфда бошлангич синф ўқитувчиси. Шу билан бирга, Чилонзор туман партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси.



Табиатан қувноқ, тириш-қоқ, интилувчан бу қиз ғайрат-шижоати, ташкилотчилиги билан кишида ҳавас ва ғайрат уйғотди. Мактаб даврида спортнинг таъқондо турини кунт билан ўрганди. Вольбол, теннис билан мунтазам шуғулланди. Иқтидори, интилувчанлиги туфайли кўплаб спорт мусобақаларида фахрли ўринларни эгаллаган.

Сайёранинг фаолиятини қузата туриб, Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг олмаси Хонзодабегимни кўз олдига келтирдим. Пиримкул Қодиров «Юлдузи туллар» асаридан аслзода қизлар орасида энг кўнгли бўлган 16 ёшли Хонзодабегимни бир марта йигитча қийиниб, от миниб инисининг ўсмир мулозимлари билан чавгон ўйнагани, орадан икки йил ўтгач эса, равонда қанилар орасида нафосатга тўлиб, ситор чалиб ўтирганини таърифлайди. Сайёра ҳам коллежда яхши

ўқиш, спорт билан шуғулланиш билан чекланмади. Тикувчилик сирларини ҳам пухта ўрганди. Бугун эса «Истиқбол» ёшлар қаноти етакчиси, бошлангич синф ўқитувчиси. Унинг ташаббуси билан ёшлар қаноти аъзолари тикувчилик тўғрисида қўйлаб аъзоси бор. Улар ўртасида сиёсий ўқув, семинар-тренинглар мунтазам ўтказиб турилади, байрам, хайрия тadbирлари уюштирилади. Ёшларнинг билим даражаси, сиёсий фаолигини ошириш мақсадида ўтказиб келинадиган семинар-тренинглarning юксак савидада экани туман партия кенгашининг ёш аъзолари қанчалик фаол ва

изланувчанлигидан далолат беради. 2008 йил Чилонзор туман партия кенгаши қошида «Еш сешатчилар» клуби ташкил этилди. Унга партия аъзоларининг 50 нафари аъзо бўлди.

— Орзуларим кўп, — дейди у. — Биринчи галда ана тўғрақлар ташкил этиб, тикувчилик фаолиятини ривожлантиришмоқчиман. Чунки ҳунар инсоннинг зийнатидир. Қолаверса, ўз йўналишим бўйича турли ташаббуслар билан чиқиб ниятним бор. «Истиқбол» ёшлар қаноти менга жуда кўп нарса берди. Сиёсий, ҳуқуқий билимларимни ошириб, ўз устимда ишлаш, талабчан бўлишни ўргатди. Имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда фаол аёллар сингари депутат бўлмоқчиман. Бунинг учун хали кўп изланишим, билим олишим зарур.

Гулрух БЕГИМ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий «Фозил одамлар шаҳри» асариде таъкидлаганидек, «Қонунларни ҳаётга жорий этиш уларни чиқаришдан кўра мураккаб жараён. Ана шу мураккаб жараённи осонлаштирадиган асосий омил — бу аввало, аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасидир. Бинобарин, ўтказилаётган ислохотларни ҳаётга изчил таъбиқ этиш, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятига боғлиқ.

Маълумки, ҳуқуқий маданият даражасининг меъдани қонунларга амал қилиш ва уларга бўйсунуш билан ўлчанади. Бу тушунча Конституцияимизнинг 48-моддасида ўз ифодасини топаган бўлиб, ҳар биримиздан Конституция ва қонунларга қатъий риоя қилиниши, ўзгалар ҳуқуқларини ҳурмат қилиниши тақозо этади. Ушбу конституциявий меъёрга мувофиқ сайловлар жараёнида ҳар бир фуқаро Конституция ва сайлов қонунчилигига риоя қилиши, ҳар бир сайловчи бошқа сайловчилар ҳуқуқларини, ҳар бир номзод бошқа номзодлар ҳуқуқларини, ҳар бир сиёсий партия раҳбари бошқа сиёсий партия раҳбарларини ҳурмат қилиши сайлов маданиятининг асосий шарт саналади. Аҳолининг ялпи ҳуқуқий

маданиятини ошириш масаласи мураккаб йилларнинг дастлабки кунларидан буён мамлакат раҳбарининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Президентимиз 1997 йил 20 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги Фар-чора-тadbирлари тўғрисида»ги Қарори билан тасдиқланган тadbирлар режаси ишлаб чиқилди.

Президентнинг 2001 йил 4 январдаги «Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиши ташкил этиш тўғрисида»ги Фар-рини рўёбга чиқаришга, ҳар бир фуқаронинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имкониятини яратишга, сайловларни эркин, адалотли ва ошқора ўтказиш механизмининг йўлга қўйишга қара-

мавий ахборот воситалари, жумладан, радио-эмиттерлар, телекўрсатувлар ташкил қилиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, конференция, семинар, давра суҳбатлари ва уршувлар ўтказиш, савол-жавоб

тути ва бошқа юриспруденция йўналиши бўйича фаолият кўрсатадиган Олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, олимлар ва амалиётчи ходимлар жалб қилинган бўлса, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти сайлови муносабати билан ҳам кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйлаб 2007 йил давомида 50 дан ортқ давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот тadbирлари ўтказилди. Уларнинг 50 фоиздан ортқи қишлоқ жойларига тўғри келади. Шунингдек, китоблар, буклетлар ва плакатлар нашр қилиш амалиёти йўлга қўйилган.

Аҳолини сайлов қонунчилиги тўғрисида хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов учун «Сайловчи кутубхонаси» туркумида 15 номадга рисола, савол-жавоблар

дари рўёбга чиқаришга, ҳар бир фуқаронинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқини амалга ошириш имкониятини яратишга, сайловларни эркин, адалотли ва ошқора ўтказиш механизмининг йўлга қўйишга қара-

мавий ахборот воситалари, жумладан, радио-эмиттерлар, телекўрсатувлар ташкил қилиш, газета ва журналларда мақолалар чоп этиш, конференция, семинар, давра суҳбатлари ва уршувлар ўтказиш, савол-жавоб

тути ва бошқа юриспруденция йўналиши бўйича фаолият кўрсатадиган Олий ўқув юрталари профессор-ўқитувчилари, олимлар ва амалиётчи ходимлар жалб қилинган бўлса, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Пре-

зиденти сайлови муносабати билан ҳам кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз бўйлаб 2007 йил давомида 50 дан ортқ давлат органлари ва жамоат ташкилотлари томонидан аҳоли ўртасида кенг қўламли ҳуқуқий тарғибот тadbирлари ўтказилди. Уларнинг 50 фоиздан ортқи қишлоқ жойларига тўғри келади. Шунингдек, китоблар, буклетлар ва плакатлар нашр қилиш амалиёти йўлга қўйилган.

Аҳолини сайлов қонунчилиги тўғрисида хабардор қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлов учун «Сайловчи кутубхонаси» туркумида 15 номадга рисола, савол-жавоблар

Дастур ва ижро

шаклидаги қўламанлар ўзбек ва рус тилларида тайёрланиб, барча сайлов участкаларига фойдаланиш учун етказилганлиги сайлов қатнашчилари учун жуда катта қўламли яратди.

Бундай тadbирларни ўтказиш изчил давом этиб келмоқда. 2008 йил мисолида қарайдиган бўлса, 814 мингдан ортқ ҳуқуқий тарғибот тadbирлари ўтказилган. Уларнинг 102 мингдан ортқи оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориладиган. Бевоқиф аҳоли ўртасида уршувлар шаклида ўтказилган 663 минг ҳуқуқий тарғибот тadbирларидан 315 мингдан ортқи қишлоқ аҳолиси билан амалга оширилган. 83 мингдан ортқ тadbир эса Бевоқиф Конституцияни ўрганишга бағишланган.

Адлия вазирлиги, Марказий сайлов комиссияси, Бош прокуратура, Ички ишлар, Олий ва ўрта махсус таълим, Халқ таълими вазирликлари, Миллий телерадиокорпорация, Республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси, Хотин-қизлар қўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа кўплаб давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан аҳолининг

ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтиришга қаратилган тарғибот ишлари олиб борилоқда. Бундай тadbирлар, албатта сайловчиларнинг фаолигини янада оширади, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда сайлов қонунчилигини халқаро андозалар ва миллий қадриятлар доирасида такомиллаштириш ҳамда бу борада аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш борасида илгор тажриба орттирилди.

Бугунги кунда ана шу илгор тажрибани изчил давом эттириш талаб этилади. Албатта бу ҳуқуқий ва сиёсий маданиятимизга боғлиқ. Шу маънода, ҳуқуқий ва сиёсий маданият — мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуришининг, қули фуқаролик жамиятини шакллантиришининг, халқро ҳамжамият олдидидаги обрў-эътиборимиз истикболининг муҳим омилли ҳисобланади.

Абдуқамол РАҲМОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи.

Қилмиш-қидирмиш

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАНЛАР

Ёки ҳукумат томонидан кўрсатилган бағрикенглик, инсонпарварликдан тегишли хулоса чиқариб олмай, яна жаҳолат гирдобига тушиб қолганлар хусусида


1998 йилда янгибозорлик Саъдулла Бобонозов хоразмлик бир гуруҳ ёшларни кўп пул тўланадиган иш бор, деб Тожикистон Республикасига олиб боради. Ана шу «енги иш, мўмай пул»га учганлар орасида Баҳодир ҳам бор эди. Улар Тожикистоннинг Хайт кишлоғида яшашида ва Тавилдарадаги лагерда уларга Абу Абдулла Покистоний деган кимса кўпурчилик, одам ўлдирини, кофирларга қарши ҳижоҳ қилиш «усул»ларини ўргатади. Турғиси, умрида товуқ сўймаган ёш йигитларнинг аксарига «устоз сабоқлари» маъкул келмади. Улар қайтиш истagini билдиришганида ўлдиримиз деб кўрkitишди. «Кайсар»лардан бир гуруҳини намойишкорона отиб ташлашди.

Улар ота-оналари бағрига, оилалари кучоғига қайтидилар. Тавба қилган, айби кечирилган бандани энди ўзини яна жаҳолат гирдобига урмаслиги керак эди. Афсус! Баҳодир Матназаров 2007 йил ёз фаслида Урганч шаҳрида яшайдиган Гулноза Полвонова, Зуҳра Кўрғезова, Расул Жаббаров, Холмурот Жаббаровларни Санкт-Петербург шаҳрида қурилишда яхши маошли иш бор, деган ёлғон билан қачиртириб олади. Санкт-Петербургнинг Киров туманида бир уйда ижарада турадилар. Айнан шу ерда Баҳодир ўз атрофига жамоа тўплаб, уларни ваҳобийлик оқимида даъват қила бошлайди. Жамоа йиғинларига андижонлик Усмон, тожикистонлик Аюб, Музаффар, Давлатмурот, урганчлик Ёдгор Куронбоев, Даврон Бобонозовлар ҳам қатнаша бошлайди. Улар турли бузғунчилик тарғиб этилган видеоларни кўришади, мамлакатимиздаги конституциявий тузумни ағдариб ташлаш, халифалик тузumi ўрнатиш ҳақида даъватлар билан чиқадилар.

Гулноза Полвонованинг икромномасини эшитинг: «2007 йил ёзида Санкт-Петербург шаҳрига ишлаш учун бордим. Олдиндан танишлим боис Баҳодирнинг ҳам шу ерда турганини эшитиб, Киров туманида ижарада яшайдиган дала ҳовлисида бир неча марта бўлишимга тўғри келди. У ерда тўрт-беш нафар нотаниш эркаклар бор эди. Улардан бири — Ёдгор Куронбоев муқаддам ноқонуний диний фаолият олиб борганлиги учун қамалиб чиққан. Баҳодир ана шу йигитлар билан ҳар доим Ўзбекистондаги конституциявий тузумни қоралаб, унинг ўрнига халифалик давлати жорий қилиш кераклиги ҳақида даъватлар қиларди...»

Расул Жаббаровнинг кўргазмалари ҳам шунга ўхшаш: «Баҳодир менинг тоғам бўлади. Укам Холмурот ва жиямни Сарвар билан Санкт-Петербургда қурилишда ишладик. Тожикистонлик Аюб, Музаффар, Давлатмуротларни тоғамнинг ижарада турган уйда қурганман. Улар вақти-вақти билан йиғинлар ўтказиб туришарди. Бу йиғинларда Ёдгор келтирилган дискларни кўришарди...»

Россиянинг бир овлоқ гушасида ин қурган ва кимсалар иродаси бўш на дунёвий, на диний илмга эга бўлмаган кишиларни алдаб, тузоққа илтириб, Б.Матназаров ташкил қилган ўзини «жиходчилар» деб ҳисоблаган гуруҳ йиғинларига жалб этган, уларни давлатимизнинг ички ва ташқи сийосатига қарши даъватлар олиб боришга ундаган. Юқорида эслатилган



КЕЧҚУРУН СОАТ 21 ДАН ЭРТАЛАБ 8 ГАЧА

кўчада юриш мумкин эмас

Хитойнинг шимоли-гарбидаги Синьцзян музофоти Синьцзян (Уйғур мухтор тумани маркази Урумчи) шаҳрида комендантлик соати жорий этилди. Ушбу тартибга кўра, кечқурун соат 21.00 дан эрталаб 8.00 гача кўчада юриш қатъий манъ этилади. Бу тартиб оммавий тартибсизлик қайталанганининг олдини олиш учун жорий этилди, дейилади «Associated Press» АА хабарида. Амма кўчаларда уйғурлар ва Хитойнинг хан

миллатига мансуб кишиларнинг норозилик кайфиятидаги акциялари давом этмоқда. Бу акцияларни қуролланган полиция қузатиб турибди. Агентлик маълумотларига қараганда, яқинда қуни Урумчида Хитойнинг энг кўп хан миллатига мансуб фуқаролари билан уйғурлар ўртасида оммавий муштлашув юз берди.



Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники!

ЭКСПОРТ КЎЛАМИ КЕНГАЙМОҚДА

«Навоийазот» очик акциядорлик жамияти ҳар йили хорижга ўртача 58-60 миллион АҚШ доллари қийматидаги бозорбоп маҳсулотларни экспорт қилади. Аммиак селитраси, нитрон толаси, сирка кислотаси, метанол, хлор, цианид тузи, униформ, полиакриламид, тоимочивина каби кимёвий буюмлар дунёда харидорлигига эришган. Хозир Россия, Украина, Қозғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Эрон, Покистон, Афғонистон ҳам «Навоийазот»дан соф валютага маҳсулот олапти. Утган йили, шерикчилик ниятида қўшимча 1,9 миллион АҚШ доллари ҳисобида корхонага инвестиция киритилгани ҳам хориж харидорлар сони мунтазам ортаётганидан далолатдир.

Бугунги кун янги Ҷеҳ ва бўлинмаларни ишга тушириш, корхонани ишдан тўхтатмаган ҳолда босқичма-босқич модернизация қилиш, «умри» туғаб бораётган ускуналари замонавийлари билан алмаштиришни, маҳсулотлар ҳажми ва турини кўпайтиришни тақозо этмоқда. Бундай изланишлар самараси ўлароқ шу йилнинг ўтган даври мобайнида акрил эмульсияси, ацетон бирикмаси, «А» типдаги метанол, кимёвий ишланган натрий хлорид ҳамда «ПКИ-З» русумли коррозия ингибитори каби маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Азотли-фосфор ўғитлар туркини ишлаб чиқарилаётгани ҳам ўзига хос воқеа бўлди.

— Ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жорий қилиш билан бирга, мўстадил экологик ҳолатни ушлаб туриш ҳам муҳим ҳисобланади, — дейди корхона бош директори Бахтиёр Ботиров. — Чунки, атроф софлиги бугун бутун экологларни қаттиқ ташвишга соляпти. Шундай экан, маҳсулотларимиз турини муттасил кўпайтириб, даромад ва буромадни қай даражада муқобил ушлаётган бўлсак, корхона ён-атрофида экологик мувозанатни ҳам ушламоғимиз лозим. Халқаро Киото протоколига мувофиқ корхонаолди атмосфера-си устида астойдил бош қотираялмиш. Бу ўринда япониялик сармоядорлар кўмаги катта бўлмоқда. Ушбу мамлакатнинг «Митсубиси» компанияси билан амалий ҳамкорлигимиз кутилган натижани берапти.

Бир сўз билан айтганда, қарийб ўн минг киши меҳнат қилаётган гигант кимёвий корхона ўзининг сифатли маҳсулотлари билан дунёни забт этмоқда. Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.


Жиззах туманининг Гандумтош қишлоғида кичик гишт заводи қурилиб, ишга туширилди. Йилга 2,5 миллион дона пишик гишт ишлаб чиқариш қувватига эга мазкур кичик корхона фаолият кўрсата бошлагач, 35 нафар йигит-қиз ишли бўлди.

ҚИШЛОҚДА КИЧИК КОРХОНА

— Касб-хунар коллежини таломлаб, қайси ишга борсам экан, дея ўйлаб юрган эдим, — дейди қишлоқ йигитларидан бири Аҳрор Баҳромов. — Қишлоғимизда очилган бу корхона мушқулимни осон қилди. Тенгқурларим қаторида шу ерга ишга кирдим. Меҳнатимизга яраша маош, мукофот олаямиз. Бу ерда ишлаб чиқариш жараёнларини кенгайтириш эвазига яна ўнта иш ўрни яратиш режалаштирилган. Иброҳим ЖОНУЗҚОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»: ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАР — ЭЛЕКТРОН ҲАМЁНИНГИЗ

Мамлакатимизда банкдан ташқари нақд пул маблағларининг айланшини қисқартириш, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни янада кенгайтиришнинг асосий омил сифатида пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Саноат-қурилиш банки ҳам Президентимизнинг «Пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизимини янада ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш йўлида фаол иш олиб бормоқда.



Маълумки, «Ўзсаноатқурилишбанк» ОАТБ пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва мижозларга хизмат кўрсатишни 2000 йилдан бери амалга ошириб келмоқда. 2002 йилда VISA халқаро ассоциациясига аъзо бўлиб, ҳозирги кунгача мижозларга бу тизимнинг энг замонавий хизмат турларини тақдим этмоқда.

Биргина шу йилнинг 1 июнигача банкнинг VISA пластик карточкалари орқали 3 миллионга яқин транзакция ўтказилган бўлиб, тўловлар миқдори 80,0 миллиард сўмни ташкил қилди. Йил бошидан буён терминаллар орқали ўтказилган тўловларнинг 93,6 фоизи савдо шохобчаларида амалга оширилган. Банк томонидан муомалага чиқарилган жами пластик карточкалар сони эса, 2009 йил 1 июнь ҳолатига кўра, 800 мингдан ортиб кетган.

«Ўзсаноатқурилишбанк» томонидан ҳозирги кунга келиб, барча филиалларида VISA терминаллари орқали тижорат банкларининг DUET тизимида ишлайдиган барча карточкаларни қабул қилиш йўлга қўйилган. Жорий йил бошидан DUET тизимидagi пластик карточкалар орқали савдо шохобчаларига ўрнатилган терминаллар орқали 20,0 миллиард сўмлик тўловлар амалга оширилди.

«Ўзсаноатқурилишбанк» халқаро VISA пластик карточкалари банк томонидан ўрнатилган савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларидаги терминаллар орқали on-line режимида тўловларни амалга оширади. Авторизация тўловни ўтказишга, агар

алоқа телефони орқали пластик карточка ҳисоб рақамидagi қолдиқ маблағ миқдори, савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида ўрнатилган терминаллар орқали қанча пул маблағи тўлаганлиги, банк жамғарма кассаларига ўрнатилган терминал ва банк-матлар орқали қанча нақд пул маблағи ечилганлиги тўғрисидаги маълумотларни олиш имконини беради.

Банк томонидан эмиссия қилинаётган АҚШ долларидаги Visa Electron ва Visa Classic пластик карточкалари дунёнинг исталган мамлакатига (VISA халқаро ассоциациясига аъзо бўлган банкларнинг савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш шохобчаларида) бирдек тўлов қобилиятига эга. Шунингдек, АҚШ долларидаги Visa Classic пластик карточка эгалари интернет орқали тўловларни амалга оширишлари ҳам мумкин.

Бундан ташқари, «Ўзсаноатқурилишбанк» юридик ташкилотлар учун корпоратив Visa Business пластик карточкаларини ҳам тақдим қилмоқда. Ташкилотлар бундай пластик карточкалар воситасида ўзининг кундалик ва ҳўжалик харажатлари учун VISA савдо белгиси мавжуд бўлган терминаллар орқали нақд пулсиз тўловларни амал-

ПЕНСИЯНИНГ ҚИСҚАРТИРИЛИШИ норозиликни кучайтирмоқда



Латвия Конституциявий судига мамлакат аҳолисида 200 та даъво ариза-си тушди. Улар республика маъмурияти юрифтаган антиинфляция сийосатидан норози. Асосий норозилик пенсия ва маошлар қисқартирилишидан юза-

га келмоқда. Конституциявий судга даъво аризаси бериш учун келганларнинг кети узилмаяпти. Ҳатто узун-узун навбатлар пайдо бўлмоқда, дейилади «DELFI» АА ахборотида. Ушбу даъволар ярим йил ичида кўриб чиқилади. Маълумки, июнь ўрталарида Латвия парламенти инфляцияга қарши чора сийосатида бюджет харажатларини камайтириш юзасидан бюджетга ўзгаришлар киритган эди. Унга кўра, бюджетдан маош олувчиларнинг маошлари 20 фоизга, пенсиялар 10 фоизга, пенсияга чиқиб ишлаётганларнинг пенсияси эса 70 фоизга қисқартирилган эди. Латвия жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан энг кўп жабр кўраётган республикалардан бири ҳисобланади.

ТИК ТУРИБ УЧУВЧИ йўловчилар пайдо бўлади

Хитойнинг «Spring Airlines» хусусий авиакомпанияси ўсиб бораётган авиайўловчилар оқимини камайтириш ва уллар эҳтиёжини қондириш учун самолёт ўриндиқлари сонидан ортиқча одам олиш, яъни тик туриб учиниши ихтиёр этганлар учун «маҳсус» патта сотини мўлжаллаб турибди.



Хитойнинг «ССТV» телеканалидан олинган манбаларга асосланиб немисларнинг «Die Welt» нашри бу ҳақда хабар тарқатди. Авиакомпания мутахассисларининг айтишларича, тик туриб учувчилар йўлиқраси патта савдосини 40 фоизга ошириш имконини беради экан. Бундан ташқари, авиакомпания харажатларини 20 фоизга қисқартириши экан.

Тик туриб учини ўриндиғи кўриниши қандай бўлади, бу ҳозирча номаълум. Амма авиакомпания вакилларининг айтишларича, хавфсизлик камарлари йўловчи белидан табуретга бўлаб қўйилади.

АРМИЯДА ЯНГИ ҚЎМОНДОНЛИК ташкил этилди

Россия қуролли кучлари таркибида янги тизим — Ҳаво-космик мудофаа билан стратегик қўмондонлиги ташкил этилди. Россия бoш штабидан олинган манбаларга асосланиб «Интерфакс» АА хабар беришича, ушбу янги ҳарбий бошқарув тизими 1 июлдан тарқатиб

юборилган Москва ҳарбий округининг Ҳаво ҳўжумига қарши мудофаа маҳсус хизмати қўмондонлиғи, шунингдек, Ҳарбий ҳаво кучлари ва космик қўшиннинг бошқа таркиблари базасида бунёд этилди. Янги ҳарбий таркибни шакллантириш шу йил охиригача якунланади.

DMQ TOSHKENT SHAHAR BOSHQARMASI ommaviy oferta savdolarini o'tkazilishi to'g'risida e'lon qiladi

Sotuvchi: Davlat mulki qo'mitasi Toshkent shahar boshqarmasi. Sotuvchini nazari: Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shox ko'chasi, 16-A u'y, 100060. Aloqa telefoni: 233-35-08, telefaks: 233-35-08, 233-23-52, elektron pochta ugki@rambler.ru. Ob'ekt nomi: Toshkent shahri, Bektemir tumani, J.Toshkandiy ko'chasi, 38-uy manzillida joylashgan umumiy maydoni 1142 kv.metr ga teng bo'lgan bino va inshootlar. Balansda saqlovchi: "QALB SADOSI" ijtimoiy jamg'armasi. Muzokaralar 2009 yil 10 avgust kuni soat 16-00da Toshkent shahri, Mirobod tumani, Amir Temur shox ko'chasi, 16-A u'y manzillida o'tkaziladi. Ob'ektning boshlang'ich narxi — 226 101 575 so'm. Ob'ektni sotib olish shartlari quyidagicha: — eng yuqori sotib olish bahosini taklif etish; — eng kamida 120 000 000 (bir yuz yigirma million) so'm miqdorida investitsiya kiritish majburiyatini olish; — yangi ishchi o'rnlari tashkil etish; — sotib olish to'lovi va qo'shimcha investitsiya kiritishni qisqa muddatlarda amalga oshirish. Savdo g'olibiga savdo kunidan boshlab yigirma kun muddat ichida oldi-sotdi shartnomasini imzolash sharti yuklatiladi. Talabgorlarning takliflarini qabul qilish 2009 yil 10 avgust kuni soat 13-00 da to'xtatiladi.

